



## ГЕОЛОГИК ВА ГЕОФИЗИК МАЪЛУМОТЛАР АСОСИДА ВОЛФРАМ МАДАНЛАШУВНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ УСЛУБИЯТЛАРИ (ИНГИЧКА МАЙДОНИ МИСОЛИДА)

**Бобомуротов Зарифжон Юсупович**

*магистрант, Геология фанлари университети,*

*Ўзбекистон, Тошкент шаҳри*

**Умаров Убайдулло Лутфуллаевич**

*магистрант, Геология фанлари университети,*

*Ўзбекистон, Тошкент шаҳри*

**Элмуродов Отабек Фарход ўғли**

*магистрант, Геология фанлари университети,*

*Ўзбекистон, Тошкент шаҳри*

**Аннотация:** Мақолада Киндиктуба ва Сабирсай сатҳларида тўпланган маъданларнинг моддий таркиби ва геомеханик хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган. Таҳлиллар натижасига кўра маъданларнинг литологик таркиби қўйидаги турдаги маъданли жинслардан иборат: кумлар, тупроқ(гил)ли кумлар, шағалли-қумли жинслар ва алевритлар.

**Калит сўзлар:** Сабирсой, шағал-қумлар, маъданлар, мезо-кайнозой, метаморфик ва интрузив жинслар.

Сабирсой сатҳининг тупроқли минераллар таркибида доимо калинит (2,0-4,7%) ва аралаш қатламли ҳосилалар, гидрослюда (0,3% гача) учрайди. Шағалли-қумли маъданлар таркибининг 5,3-14,2 фоизини тупроқ (гил) минераллари ташкил қиласи. Кендиқпобин сатҳи маъданларидағи тупроқли материаллар таркибида доимо каолинит (5,0%), гидрослюда (3,8%) ва монтморрилонит-гидрослюда аралашмасининг аралаш қатламли ҳосилалари учрайди.

Карбонатлар маъданларда 0,7-2,8% миқдорда мавжуд ва кальцит (киндиктуба сатҳи маъданида 1,2% ва 1,4-2,0% сабирсай сатҳи маъданида) ҳамда доломит (0,2-0,7%) билан ифодаланади. Ундан ташқари, маъданларда пирит ва марказит (0,4-1,2% гача), ҳамда фосфорит (киндиктуба сатҳи 0,2% гача).

Ингичка майдонида уранни излаш ва баҳолаш ишларининг йўлга қўйилишида иш районининг ижобий географик-иқтисодий жойлашуви Самарқанд вилоятининг Нуработ туманида амалдаги кончиллик фаолияти доирасига мансуб корхона Навоий КМК ишлаб чиқариш ва коммуникацион инфраструктура ривожланган худудида жойлашганлиги хизмат қилди.

Тадқиқот майдонининг қисқача географик-иқтисодий тавсифи. Ингичка майдони маъмурий жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг Самарқанд





вилоятига қарашли ва Зироабулоқ тоғларининг шарқий мезозой кайнозой ҳошиясида Давлат геологик харитаси саҳифасинг контурида жойлашган.

Орографик режада майдон ғарбда Зирабулоқ тоғлари билан чегараланган ва Каттақўрғон сув омбори томон шимолий-шарқий қияликга эга аллювиал-пролювиал текисликга бўлинади. Мутлоқ баландлик отметкаси жануби-ғарбдан шарқга ва шимоли-шарқга томон 640 метрдан 470 метргача ўзгаради. тепалик форма рельефининг нисбий мусбат кўтарилишлари текислиқда 20 метрдан 50 метргача ташкил қиласди. Зирабулоқ тоғларининг шарқий интиҳоси худудларида текис форма рельефининг нисбий кўтарилишлари асосан 200 метргача, мутлақ баландлик отметкалари 1100 метргача.

Худудда иқлим кескин континентал, ёзда иссиқ (июль-август ойларида +45 °C гача) ва қишда совуқ (январда -20 °C гача). Йиллик ёғингарчиликлар йиғиндиси 330 ммдан ошмайди. Баҳорда жалали ёмғир вақтида сел келиш эҳтимоли бор, районда кучки хавфи йўқ, 8 балли сейсмик худудга киради.


Асосий сув йўли Самарқанд шаҳрининг шарқида икки тармоққа Оқдарё ва Қорадарё дарёларига бўлинадиган Зарафшон дарёси ҳисобланади. Зарафшон дарёси сўғориш учун хизмат қиласдиган кўплаб каналларга бўлинади ва Каттақўрғон сув омборига қуйилади.

Нуробод шаҳрида жойлашган НКМК Жанубий кон бошқармаси ҳозирги вақтда Ингичка майдонидан 25 ва 10 км масофада жойлашган Сабирсой ва Ярқудук сизувчи уран конларини қазиб олмоқда. Қидириб топилган ва фойдаланилаётган бошқа конлардан энг таниқлilari: Ингичканинг вольфрам кони, Қорақўтон олтин кони, Кутчи кони, Лапас қалай кони, Чангали мармар кони, Олтиову смоб кони, Каттақўрғон бентин ва ғишт тупроғи, денгиз ва қурилиш шағали конлари, Жума қурилиш қуми кони (60 км). Жанубдан туташ Бухоро-Қарши турғунлигига нефт ва газ конлари аниқланган.

Тадқиқот олиб бориладиган районнинг ўрганилганлиги. Зиёвутдин-Зирабулоқтоғлари мезозой-кайнозой қатламни ўрганиш бўйича Бўр қатламлари бўйича кўпроқ тўлиқ маълумотлар Е.П.Бруненинг 1941-1951 йилларда олиб борилган ишларида келтирилган стратиграфик схемада мавжуд. У Зиёвутдин-Зирабулоқ тоғлари ён бағирларининг геологик харитасини 1:25000 миқёсда чизган.

Қидирув ишларидан ташқари районнинг уран маъданлилиги истиқболи 3-сонли Краснохолм ПГО Марказий қидирув экспедицияси ҳамда илмий-изланиш соҳаси институти томонидан олиб борилган геологик-башоратлаш орқали баҳоланган.

Ингичка майдонининг геологик тузилишида муофиқ равишда пастки ва юқориги таркибий қаватларни ҳосил қиласдиган полеозой пойдеворининг





чўкинди метаморфик ва интрузив ҳосилалари ва чўкинди қобиқнинг заиф литификациланган мезазой-кайнозой қатламлари иштирок этади.

Зиёвутдин-Зирабулоқ ва Қаратепа тоғлари массивида бирлашган узилган интрузивлар билан юқори карбон-триас (C3-T1) ёшдаги асосий ва нордон таркибли чўкинди метаморфик ҳосилалар протерозойдан юқори палеозойгача таркиб топган.

Зирабулоқ горст-антиклинали шарқий қисмида жойлашган палеозой ҳосилалари Ингичка худуди чегараларида ғарбда ер юзасига чиқган.

Худудда энг қадимги ҳосилалар пойдевори бўлиб ордовик даври ётқизиқлари ҳисобланади, шу ерда олтиовул свитасига (02-3al) ажралган ва глинали, серицит-глинали сланец, алевролит қатламли қумлар, гравелитлар, туфлар, пелитоморфик оҳаклар кўринишида келади.

Девон даври ётқизиқлари Зирабулоқ тоғларининг шимоли-шарқий қисмида асосан карбонат жинслари билан тақдим этилади. Қатлам кесма асосида тармоқланмаган қуији девон қатламларига ажралади, жалқироимаҳал ва ҳазратидовуд свиталари, оҳаклар, доломитлар ва доломитли оҳаклар билан ифодаланган.


Юқорида ётубчи қуији девон ётқизиқлари саппен свитаси худудида ажралади ва гилли-серицитли сланецлар, қумтошлар ва алевролитлар, оҳактошлар, доломитлар кремнийли сланецлар ва гравелитлар қатламлари билан ифодаланади. Ўрта девон даври Живет яруси оҳактош ва доломитлари қозонбулоқ свитаси белгиланган худудида Зирабулоқ тоғларининг жанубий ва жануби-шарқий ён бағирларида ер юзасига чиқади.

Тошқўмир системаси ётқизиқлари тоғ тизмасининг шимоли – шарқий қисмида ва рабиджан антиклиналиниң ўзагида жойлашган бўлиб, тимсай ва рабиджан свиталарида ажралиб турадиган эффузив-терриген тузилмалар билан ифодаланган, ёши бўйича юқори силур-қуији карбоннинг пржидолск-серпухов босқичига ва табақаланмаган ўрта-юқори карбонга тегишли тепалик свитасига тўғри келади.

Зирабулоқ тоғларида ордовик-карбон комплекси чукинди-метаморфик жинсларининг уртacha қалинлиги 4500 м атрофини ташкил этади

Орасида кечки тошқўмир-эрта перм (каратюба-Зрабулак) жинс тўпламлари максимал даражада ривожланган. Бу мажмуанинг гранитлари ва гранодиоритлари (22-2C3-P1) штоксимон интрузив билан ифодаланган бўлиб, Зрабулок горст-антиклиналиниң ўзагини ташкил қиласи, у эрозион қирқимда майдоннинг жануби-ғарбий қисмида ер юзасига чиқади, шунингдек интрузив рабиджан антиклинали ўзагида очилган.

Бурчак ва стратиграфик номувофиқликка эга палеозой жинсларининг қолдиқ емирилиш қобиғи Зирабулоқ тоғлари доирасида ривожланган чўкинди қопламиниң ётқизиқлари билан қопланган. Бўр чўкиндилари





ривожланишининг платформа режими шароитида мураккаб қурилган седиментация сикликига мос келади.

Бўр, палеоген, ва неоген-тўртламчи давр ҳосилаларнинг умумий қалинлиги майдон сарҳадларида бир неча ўн метрдан 600 ва ундан кўп метргача ўзгаради.

Бўр ва палеоген даври ётқизиқлари асосан, неоген-тўртламчи аккумуляциялари билан қопланган бўлиб, худуднинг жануби-гарбий қисмида ва Рабиджан антиклинали гумбаз қисмида кичик очилмалар қўринишида очилиб қолади.

Бўр даври ётқизиқлари, ривожланган ҳудудлардан ташқарида, фациал қатламланиш области яқинида шакилланади ва шимоли-шарқдан жанубга томон юналишда биринчидан то 70-85 метргача ўзгарадиган минимал қалинликка эга бўлади.

Чўкинди қобиқнинг кесими асосида кон ости ярим доира қўпол парчалангандан сеноман ётқизиқлари ётади, асосан палеозой ётқизиқларининг қадимий сирти бўйлаб пасайиши билан тўлдирилади.

Қатлам қўпол парчали конгломератлар, шағалли қумлар, қумтошлар, гравелитлар, яримдоира кичик тупроқли зонанинг латерал бўйича ўтувчи шағал алевролитлар ва қумлашган гиллар билан ифодаланган.


Оксидланиш қайтарилишнинг бир нечта босқичларини бошидан кечирган сеноман ярусининг бирламчи қизил ранги фақатгина реликтлар қўринишида диагенездан то пласт эпигенезгача сақланиб колган қирқимнинг кучсиз ўзгариши оқиши, яшил-кулранг ранг билан алмашинади.

Ювилган қуи турон ётқизиқлари сеноман ва палеозой жинслари остида ётади. Қуи қисмда улар қалинлиги 10 м гача бўлган учқудук горизонтига тўлқинлар урилишидан ҳосил бўлган турли донадор шағалтошли қумлардан, конгломератлардан, гравелитлардан, қумтошлар ва шағалтошлардан ташкил топган карбонатли цементда линза қўринишдаги қумлашган глинили қатламлардан ва қўмирлашган органикалар ва пиритлашган алевролитлардан таркиб топган чўкиндила билан ифодаланади.

Шағал қум жинсларининг ранги ёрқин кумушрангдан қорагача, алевролит-глиниали жинслариники эса кумушранг.

Қирқим бўйича юқорида қалинлиги 15-20 м гача бўлган қўмирлашган ўсимлик органикалари, пиритлар, шағалли донадор кварцлардан таркиб топган қуи туроннинг (K2t12) джейрантуй горизонтига тегишли глиналар ва алевролитлар ётади.

Қуи туроннинг кесими киндиктюба горизонтининг денгиз қатламлари билан тугалланади. Қатламлар кесими, юзага келган денгиз ҳовзасида юқори шўрланганлик билан ва чет қисмлари авандельтлар, шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин – пастги, доломитлар, карбонат қумлар ва алевролитлар билан ифодаланган.





## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бетехтин А. Г. Курс минералогии. Москва: Госгеолтехиздат, 1956 г.
2. Бадалов С. Т. Минералы Узбекистана. Ташкент: Фан, 1975 г.
3. Долимов Т. Н. Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан. Ташкент: Университет, 1998 г.

